

## “Ватан химоячилари” куни муносабати билан 2-ТТЖда меҳнат фахрийси билан учрашув

✘ Институтимизнинг 2-ТТЖ да 14 январ - “Ватан химоячилари” куни муносабати билан 2-ТТЖ тарбиячиси, психолог Сагдуллаева Дилором захирадаги милиция маёри, Республика маънавият тарғибот марказининг маърузачиси, ҳуқуқшунос, сиёсатчи Амриев Али Хусановични таклиф қилдилар. Али Хусанович ўз хаётини, Ички Ишлар органларида олиб борган. Иш фаолияти ва ҳарбий хизматда бўлган қизиқ воқеаларни талабаларга улашди. Жиноятчилар ва жиноятчиларни ушлаган даврдаги қийинчиликлар, олинган тан жароҳатлари ҳақида гапириб бердилар. Фахрий меҳмон ҳозирги кунда ёшларга берилаётган имкониятлар ва буни қадрига етиб, ўз устида ишлашларини, ҳар бир дақиқани қадрига етиб яшаб, ибратли таълим олиб бориш, виждонан ўз устида ишлаш кераклигини такидлаб ўтдилар.

✘ ТТЖ да истиқомад қиладиган талабалар учун бу давра суҳбати жуда қизиқарли ва мазмунли бўлди. Институтимизнинг ГИМ, ГТҚ ва ҚСХЕА факультетлари талабалари билан бирга ўтказилган бу давра суҳбатида таасуротларга бой бўлди.

ГИМ факультети ёшлар етакчиси Исматов Рашидхон.